БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 29 июнь Жума
№ 121 (13.557).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми 22 нафар ёш коммунистни қўллаб-қувватламоқда

Сешанбада ВЛКСМ Марказий Қўмитаси II пленуми минбарига чиққан Свердлов инженер-педагогика институтининг доценти Борис Гуселетов тавсияномаларга муҳтож бўлгани йўқ. Ахборот хизмати «Комсомольская правда»нинг кечаги сонида чоп этилган «22 лар баёноти»ни кўпайтиришга улгурганди. Пленум қатнашчиларининг кўпчилиги РСФСР Компартияси Таъсис съезди ёки делегатларининг съезд ўтган шарт-шароит юзасидан фикрига ҳамфикрликларини билдирдилар ва «баёнотни» қўллаб-қувватладилар.

Пленум ўз ишини ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг КПСС XXVIII съездига позициясини муҳокама қилишдан бошлади. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Зюкин ахборот берди. Қизғин мунозаралар давомида КПСС XXVIII съездининг таклиф қилинган ёш делегатлари ҳам қатнашдилар, ана шу масала юзасидан пленумнинг махсус резолюцияси ишлаб чиқилди.

Шундан кейин пленум осойишта иш юритишга ўтди. «ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг доимий комиссиялари ва кенгашларининг намунавий низоми ҳамда таркиби тўғрисида», «ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппаратини қайта қуриш тўғрисида», «ВЛКСМ аъзоларининг аъзолик бадаллари тўғрисидаги асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» қарорлар ва ВЛКСМ фаолиятининг ички иттифоқ йўналишларига дахлдор бўлган бошқа бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Пленум Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилал жангчилар фарзандларига моддий ёрдам кўрсатишга ўн миллион сўм ажратишга қарор қилди.

Кечга бориб пленум ёшлар рўзномаларининг шиорлари тўғрисида, ВЛКСМ нашрларига обуна ҳақида, шунингдек бир қатор бошқа масалаларни кўриб чиқиш билан ишни давом эттирди.

Пленум ишида КПСС Марказий Қўмитасининг котиби О. Д. Бакланов, Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишлаш бўйича КПСС Марказий Қўмитаси бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. И. Мироненко, КПСС Марказий Қўмитаси Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг комсомол ташкилотлари шўъбаси мудири Ю. Г. Ошлаков иштирок этди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвонини белгилаш тўғрисида

1. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони белгилансин.

2. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони тўғрисидаги низом ҳамда ушбу фахрий унвон кўкрак нишони тасвири тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари тўғрисидаги низомга қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

10-моддадаги «Д» бўлими «Ўзбекистон ССР халқ артисти» сўзларидан сўнг «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» сўзлари билан тўлдирилсин;

12-модда «Ўзбекистон ССР халқ артисти» бўлимидан сўнг қуйидаги мазмундаги бўлим билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» — ашулачиларга юксак ижрочилик маҳорати, классик мусиқий меросни, Ўзбекистон мусиқий-назм санъатининг анъанавий шаклларини ўзлаштирганлик ва ривожлантирганлик, фаол тарғиб этганлик учун.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 26 июнь.

«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони тўғрисида

НИЗОМ

1. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони ашулачиларга, юксак ижрочилик маҳорати, классик мусиқий меросни ҳамда Ўзбекистон оғзаки мусиқий-назм санъати анъанавий шаклларини ўзлаштирганлик ва ривожлантирганлик, фаол тарғиб қилганлик учун берилади.

2. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг, Ўзбекистон ССР давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг, Ўзбекистон Компартияси вилоят комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Кенгашининг, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советлари ижроия комитетларининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Президенти томонидан берилади.

3. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвонини бериш тўғрисидаги илтимос одатда фахрий унвон беришга тақдим этилаётган шахс ишлаётган коллективларда маъмурият томонидан партия, касаба уюшмаси, комсомол ташкилотлари билан биргаликда қўйилади.

Шаҳар, район партия органлари, халқ депутатлари шаҳар, район, шаҳардаги район Советлари ижроия комитетлари ҳам илтимосномани кўшилишлари мумкин.

4. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони берилган кишиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва кўкрак нишони топширилади.

«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони эгалари ҳуқуқлари ва имтиёзлари жиҳатидан «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвонига сазовор бўлган шахсларга тенглаштирилади.

5. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

6. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» гувоҳномаси ва кўкрак нишони Ўзбекистон ССР Президенти номидан тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида топширилади.

7. Фақат Ўзбекистон ССР Президенти «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвонидан маҳрум этиши мумкин.

«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» кўкрак нишони

ТАСВИРИ

Диаметри 30 миллиметрли доира шаклидаги кўкрак нишони кумуш ҳал берилган нейзильбердан ясалади.

Нишоннинг бироз ботиқ юзида парда очилган театр саҳнасининг қисми, ўнг четида дафна шохи тасвири бор. Парда остида, нишон марказининг чапроғида, силлиқ юзада «Халқ ҳофизи» ва унинг тагида «Народний хофиз» ёзуви бор.

Нишоннинг орқа томонида марказдан юқорида қуёш нурларида «ЎзССР» ёзуви, пастида пахта шохидан чамбар тасвир бўлиб, унинг устида нишон рақами ёзилган тасма тасвири бор.

Тасвир ва ёзувлар бўртиқдир.

Кўкрак нишони тешикча ва ҳалқа ёрдамида колодка билан туташтирилган бўлиб, колодканинг ички қисми Ўзбекистон ССР давлат байроғи рангидаги шойи лента билан қопланган.

Кўкрак нишони тўғноғич билан қадалади ва кўкракнинг ўнг томонига тақиб юрилади.

Болаларни кўнгилсиз воқеалардан асрайлик

Тошкентдаги 4-қурилиш ҳунар-техника билим юртида балоғатга етмаган болалар ишларини кузатиб турадиган ўзларининг «назорат комиссиялари»ни туздилар. Улар комиссияни тузишар экан, эҳтимол тутилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни назарда тутдилар. Воқеа содир бўлганидан сўнг кўрилган чора-тадбирларнинг натижаси унча таъсирли бўлмайди. Ана шу йўл билангина болалар тарбиясини изга солиш мумкин.

— Аввал бошданоқ болалар бизга милиционер сифатида қарамасликларини, балки энг аввало, оғир дақиқаларда уларга ёрдам берадиган, уларни ҳимоя қиладиган катта ака-опалари, деб билишларини мақсад қилиб қўйдик, — дейди назорат ходими А. Хўжаева. — Менимча, бунга муваффақ бўлаяпмиз: ўсмирлар ўзларининг ғам-ташвишларини айтиб, бизга мурожаат қиладиган бўлдилар, кимнидир адолатсиз тарзда ётоқхонадан чиқариб юборишган, ўқитувчи ким биландир жанжаллашиб қолган, кимнингдир нарсалари йўқолган... Биз буларни ўз вақтида текшириб, аниқлашга ҳамда юзага келаётган муаммоларни адолатли ҳал этишга интиламиз.


Адиба Асадовнанинг ҳуқуқшунослик бўйича махсус маълумоти йўқ, у ишлаб чиқариш таълими устаси. Эҳтимол, худди шу нарса ўсмирлар ва улар ота-оналарининг муаллимга нисбатан ишонч калити бўлгандир. Хўжаева ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — назорат комиссиясининг асосий иши эканлигига, жиноятнинг ҳар доим олдини олиш мумкинлигига ишонади... Шу сабабдан ишни иложсиз қолган тақдирдагина милицияга топшириш мумкин деб ҳисоблайди, лекин ҳозирча у, бу ҳуқуқидан бир марта ҳам фойдаланган эмас.

Адиба Асадовнага билим юртининг бутун жамоаси ёрдам беради — барча усталар назорат комиссиясининг кўнгилли ходимлари бўлиб қолишди. Бу иш анча ташвишли: кўпинча вақт билан ҳисоблашмай ётоқхонада навбатчилик қилишга, рейдлар ўтказишга, теварак-атрофдаги ҳудудларда соқчилик қилишга тўғри келади. Унинг шундайгина ёнгинасида истироҳат боғи, қаҳвахона бор.

— Ўсмирлар орасида турли хил товламачилик анча кенг тарқалган, — дейди А. Хўжаева, — болалар кўпинча ғаразли мақсадларда, менимча «шўхлик» қилиб куппа-кундузи одамларнинг пулларини, турли нарсаларини тортиб олишади... Тўғри, бунинг ҳар хил сабаблари бор. «Шунчаки ҳазиллашиш» нималарга олиб келишининг билмаслик натижасида судланувчилар ўриндиғига ўтириш ҳам мумкинлигини баъзида хаёлларига ҳам келтиришмайди. «Сенинг тутган йўлинг» клубимизда биз болалар билан ана шу ва шунга ўхшаш кўп нарсалар ҳақида гаплашамиз, прокуратура, оператив-қидирув ходимлари тез-тез ҳузуримизга келиб туришади. Биз болаларга оддий ҳуқуқий билимларни ўргатар эканмиз, нима яхши-ю, нима ёмон, қилинган ножўя хатти-ҳаракатнинг оқибатлари, оддий ҳақиқатлар тўғрисида ўйлашга ўргатамиз.

Бу ерда ўсмирлар ёшининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг мустақилликка интилишидаги руҳий олами ҳисобга олинади. Шу сабабдан билим юртида ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқарув усулини жорий эта бошладик. Ўзини ўзи бошқарув шаклларидан бири «ҳуқуқий билимлар амалий машғулоти»дир. Ана шу машғулотларда гуруҳларнинг катта ваколатлар берилган бошлиқлари ойига бир марта тўпланадилар.

А. РОМАШКО, (ЎзТАГ).



Қашқадарё вилояти кўз хасталиклари шифохонасининг микрохирургия бўлими қошида янги даволаш хонаси очилди. Бу — жумҳуриятимизда Тошкент ва Самарқанддан сўнг учинчи лазер кўз хирургияси масканидир. Бу ерда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Лиман—2» табобат комплекси ўрнатилган.

СУРАТДА: ёш мутахассис Толиб Раҳмонов ҳамшира Ҳаловат Омонова билан лазер мосламаси ёрдамида мижозга жарроҳлик хизматини кўрсатмоқда. Дарвоқе, Толиб Раҳмонов СССР Фанлар Академияси мухбир аъзоси, профессор С. Н. Фёдоров бошқараётган «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий техникавий комплексида таҳсил олиб қайтган.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

УРТОҚ М. М. МИРҚОСИМОВНИ УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Мираҳмад Мирхожиевич Мирқосимов Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Н. Е. ҒОЙИБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАСДИҚЛАШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Наим Евқочович Ғойибов Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон ССР маданият министри қилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Г. ЁҚУБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Ганжа Ёқубов Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 19 июнь.

Дилдан суҳбат

...Жумҳуриятимизда болаларнинг доимий мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш даражаси 35,8 фоизни, қишлоқ жойларида эса 25,4 фоизни ташкил этади. Ҳар йили ишга тушаётган мактабгача болалар муассасаларидаги ўринлар сони 50 мингта холос.

...Жумҳуриятимизда 8 мактабдан биттаси авария ҳолатида, 70 фоиздан кўпроқ мактаблар икки сменада шуғулланмоқда. Ҳар йили ўрта ҳисобда 200 минг ўқувчи ўринга мўлжалланган мактаблар ишга тушмоқда.

Бу рақамлар Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлигининг 1990—1995 йиллар учун фаолият дастури тезисларидан олинди.

Нима қилиш керак?

Ўқитувчиларнинг малакаси ва мавқеи, мактабларда ва умуман, педагогика институтлари ҳамда билим юртларида фанларни, хусусан ижтимоий фанларни ўқитишда юзага келган пароканда ҳолат, дарсликлар муаммоси, компьютерлаштиришдаги тошбақа қадамлар, мактаб қурилиши суръатлари билан аҳолининг табиий ўсиши ўртасидаги номутаносибликлар, мактабларда ва олий ўқув юртларида билим бериш савияси ва яна кўплаб масалалар борки, уларни ҳал қилмай туриб, бугун биз бошдан кечираётган маънавий таназзулдан қутилиш қийин.

Азиз муштарийларимиз, таълим-тарбия муаммолари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан жавоб олишни истасангиз, жума куни, 29 июнь соат 11.00 дан 13.00 га қадар 32-55-84 ва 33-95-97 рақамларини териб, редакциямизга қўнғироқ қилинг. Шу куни сизлар билан «Дилдан суҳбат» учун редакциямизга Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири **Комил Юсупович ЮСУПОВ** ташриф этади.

Шу сонга хабар

Ноҳияда «Ёшлар овози»

Боғот ноҳиясида нашр қилинаётган «Ленин йўли» рўзномаси бир хайрли ишни бошлади. Рўзномада йигит-қизлар учун «Ёшлар овози» рўзномаси ташкил этилиб, унинг биринчи сони чоп этилди. Рўзномани варақлар экансиз, унда ёритилган материаллар ранг-баранглиги, ноҳия йигит-қизлари ҳаётини кенг қамраб олган муаммоли материаллар, суратлар, сурат-лавҳалар муштарийнинг эътиборини беихтиёр ўзига тортиши турган гап.

Рўзномада Ўзбекистон ЛКЁИ Боғот ноҳия қўмитасининг биринчи котиби У. Рўзиевнинг «Юрак ёнмоғи керак», ноҳия ёш педагоглар кенгашининг раиси И. Отажоновнинг «Ташаббус ўз-ўзидан бўлмайди» сарлавҳали мақолалари, ноҳия юқумли касалликлар касалхонасининг шифокори Қурбоной Қутлимуродов билан «Соғлом бўлай десангиз...» мусоҳаба, «Газетхон таклиф қилади.., хабар қилади.., танқид қилади» ойнасўзи остида Ал Хоразмий номли ўрта мактабнинг 10-«А» синф ўқувчиси Дилором Аҳмедованинг «Иқтисод фани зарур» мақоласи ва бошқа материаллар берилган. Бундан ташқари турли мавзуларда қизиқарли хабарлар, маслаҳатлар ҳам чоп этилган.

Рўзнома таҳрир ҳайъати бу хайрли ишни изчил давом эттиради ва «Ёшлар овози» ноҳиядаги йигит-қизларнинг яқин дўсти бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Тошкентда кўришгунча

Тадбиркорлик, ишбилармонлик, ўзаро ҳамкорлик қайта қуриш, янгича иқтисодий хўжалик юритиш шароитидаги ютуқларнинг дастлабки омиллари саналади. Шу боис Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент марказий универмаги жамоаси аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган талабини тўлароқ қондириш устида астойдил изланмоқда. Бунинг учун эса харидорларга савдо хизмати кўрсатишнинг турли манфаатли йўлларини қидириб топилмоқда.

Куни-кеча марказий универмаг директори Ҳабибулла Раҳматович ШАРИПОВ Венгриядан қайтиб келди. У шу йилнинг 13-14 июнь кунлари Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган «Трензэлектро ВР» ҳамда «Совинторг» ташқи савдо фирмаларининг Венгрия Керкооп ҳамда Школа Верльд Трейд корхоналари иштирокидаги музокараларда қатнашди.

Мухбиримиз Тошкент марказий универмаги директори, шўро савдоси аълочиси Ҳ. Р. Шарипов билан учрашди.

— Ҳабибулла Раҳматович, Сиз бошқараётган энг катта савдо шохобчасининг венгрияликлар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳақида илгари ҳам хабар қилган эдик. Айтингчи, Будапештдаги музокараларда нималарга эришилди!

— Венгрияга бу галги ташрифимиз бежиз эмас эди. Музокаралар чоғида бизнинг универмагимиз учун савдо жиҳозларини сотиб олиш масаласи муҳокама қилиниши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Бундан ташқари биз Керкооп корхонаси вакиллари билан жиҳозларни универмагимизга жойлаштириш бўйича хомаки лойиҳаларни аниқлаб олдик.

— Демак, венгрияликлар бизга асосан савдо-сотиқ учун жиҳозлар жўнатади. Бизнинг томон-чи!

— Харажатлар эвазига давлатимиз венгерларга мармар, эмалланган идишлар, бўз сингари маҳсулотлар етказиб беради. Айирбошлаш йўли билан.

— Шартнома якунловчими!

— Йўқ. Иккала томон вакиллари июль ойининг бошларида Тошкентда учрашишга қарор қилишди. Иккинчидан универмагимизга савдо жиҳозларини жойлаштириш узил-кесил ҳал қилинади.

Биз томондан таклиф этилаётган буюмлар нархи бўйича музокараларни эса «Совинторг» ҳамда «Школа Верльд Трейд» фирмалари телекс орқали ўтказадилар.

Венгер савдо жиҳозлари ҳамда Совет Иттифоқи моллари бўйича битимлар имзоланиши ўгирилган сўмлар нархида амалга оширилади. Кўриб турганингиздек, ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Уларни муваффақиятли якунлаш эса ҳар иккала томоннинг ўзларига боғлиқ. Венгер дўстларимизда бунинг учун қатъият етарли. Биз ҳам ишга астойдил киришганмиз.

Сувонқул РУСТАМ.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби саҳифаси

БУНЁДКОР ТАЛАБА

№ 3 (166)

ОТРЯДЛАРНИ КУТАМИЗ



Ёдингизда бўлса, рўзномамизнинг ўтган сонларининг бирида талабалар отрядлари масаласи бўйича редакциямизга астраханлик меҳмонлар ташриф буюрганини ҳақида ёзиб, мулоқот тафсилотларини кейинроқ сўзлаб беришга ваъда қилгандик. Қуйида эътиборингизга Астрахань вилоят фирқа қўмитаси котиби В. Аракелян билан бўлган суҳбатни ҳавола этаётирмиз.

— Виталий Аракелович, муштарийларимизни вилоятдаги шарт-шароитлар билан қисқача таништириб ўтсангиз.

— Вилоятимиз асосан деҳқончиликка ихтисослашган. Ҳар йили 450 минг тонна сабзавот, 300 минг тонна атрофида тарвуз етиштирилади. Аҳоли сони 1 миллион кишидан ошмайди. Кўриб турибсизки, бундай куч билан етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишимиз мушкул. Шунинг учун азалдан талабалар отрядлари билан ҳамкорлик қиламиз. Ҳар йили мамлакатимизнинг 18 музофотидан вакиллар келишади. Маҳсулотни ҳам шуларни ҳисобга олган ҳолда етиштирамиз. Агар ҳосилнинг 75 фоизини талабалар йиғиштиришини айтсам, бундай ҳамкорлик биз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади.

Ўзбекистонликларни учинчи йил қабул қилишимиз. Улар ўзларини ҳар томонлама яхши кўрсатишди. Ҳатто ҳозир бошқа ўқув юртлари билан йўлга қўйилган кўп йиллик алоқаларимизни бузиб, жумҳуриятингиз билан шартномалар имзолаяпмиз. Масалан, биринчи йили сиздан 125, иккинчи йили уч минг кишини кутган бўлсак, ҳозир бу кўрсаткич 6 минг атрофида.

— Уларнинг яшаш, иш шароитлари қандай?

— Яшаш шароитлари деярли тайёр. Сабаби, кўп лагерларимиз махсус лойиҳалар асосида айнан шу мақсадда қурилган. Душхоналар, аксариятида ҳаммомлар ҳам бор. Ҳар бир отряднинг овозингор, ойнаи жаҳон, рўзнома, журнал билан таъминлашга кафолат берамиз. Иш тартибини икки томон ўзи белгилаб олади. Шундай бўлса-да, айтишим керакки, бизда асосан эрталаб ва кечкурун ишланади. Тушда эса дам олиш.

— Овқатланиш масалалари-чи?

— Овқатни отрядларнинг шахсий ошпази пиширади. Гўшт, сут, тухум, гуруч, балиқ, сабзавот, мева ва бошқа зарур масаллиқлар билан таъминлаймиз.

— Ўтган йили баъзан хўжаликлар шартномага хилоф равишда кам ҳақ тўлашди...

— Бу менга маълум. Айрим қарзга ботган хўжаликлар четдан келган вакиллардан кам ҳақ тўланадиган ишчи кучи сифатида фойдаланиб олмоқчи бўлишди. Бу ҳақда бизнинг вилоят рўзномамизда ҳам ёзилган эди. Энди шундай камчиликлар такрорланмаслиги учун вилоят фирқа қўмитаси даражасидаги комиссиялар тузилди. Улар ишнинг боришини назорат қилиб турадилар. Бироқ бу бўлар-бўлмасга отрядлар ишига аралашавериш дегани эмас. Талабалар ҳар жиҳатдан мустақилдирлар. Бизнинг ишимиз фақат шартнома бузилишига йўл қўймаслик. Ваъдада қатъий туриб, отрядлар билан яхши алоқаларни сақлаб қолиш биз учун жиддий сиёсий аҳамиятга эга. Қолаверса, ўзингиз гувоҳ, турли камчиликлардан бизни воқиф қилиб туриш учун вилоятда рўзномангиз мухбирлари пункти очиш ҳақида қарор қабул қилинди.

— Сўнгги савол: ўзингиз биласиз, мамлакат ҳозир нотинч, биз ишга юборган йигит-қизларимиздан ташвиш тортмасак бўладими?

— Вилоятимизда 100 дан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилади. Шу вақтга қадар ижтимоий, миллий, сиёсий сабабларга кўра, бирорта низо чиққани йўқ. Вилоят фирқа қўмитаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда бундан кейин ҳам аҳоли осойишталигини таъминлашга кафолат беради.

— **Раҳмат!**

Фурқат НЕЪМАТ суҳбатлашди.

Адолатданми?

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадамиз кўп йиллардан буён 30 гектар ерга пахта экиб, жумҳурият хирмонига ўз ҳиссасини қўшиб келди. Режа ҳар йили биринчилар қаторида уддаланди. Бригадада етарли шароит бўлмаганлиги сабабли бу йил пахта етиштиришдан воз кечиб, тўрт гектар ерга ерёнғоқ (арахис) экдик.

Бизни бир нарса мудом ўйлантиради. Йил бўйи хизмат қилиб етиштирган маҳсулотдан олинган даромаднинг бир тийини ҳам ўқув даргоҳимизга берилмай, хўжалик ҳисобига тўғри кетади. Олинган даромаднинг 1 фоизи эса комсомол қўмитасига. Мактабга бу ҳам йўқ. Тўғри, хўжалик ер, сув, техника, уруғ, ўғит билан таъминлайди. Шундай экан, биз соф даромаднинг тенг иккига тақсимланиши тарафдоримиз.

Т. МАМАТҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти Бойсун ноҳиясидаги И. В. Мичурин номли 44-ўрта мактаб директори.

И. БОЛТАЕВ,
комсомол ташкилотининг котиби.

Сарбонлар хизматингизда

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти талабалари меҳнат таътилини қаерларда ва қандай ўтказадилар? Бу ҳақда жамоатчи мухбиримиз саволларига институт талабалар отрядлари штаби бошлиғи Ўткир АБДУЖАЛИЛОВ шундай жавоб беради.

— Ҳозир барча қадриятлар сершиддат замонамизнинг синчков ва танқидий таҳлилидан ўтаяпти. Шу жумладан меҳнат таътили ҳам. Бу борадаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Шуни эътироф этиш керакки, талабалар отрядлари номию, иш мазмуни ҳам қайта қуриш талабларига жавоб бермайди. Бу соҳада изланиш, ошкоралик ва талабалар истак-ҳоҳишларига кенг йўл очиш лозим.

Биз меҳнат таътилига тараддудни январь ойиданоқ бошлаганмиз. Командир ва комиссарларнинг номзодларини талабаларнинг ўзлари кўрсатишди. Серғайрат, ташаббускор ва энг муҳими ишбилармон йигитлар бу лавозимларга тасдиқланди. Ойбек Холмуҳамедов, Санжар Холхўжаев, Улуғбек Бекмуродов, Лунте Герман шулар жумласидан. Улар ўз иш жойлари, меҳнат шароитлари билан танишиб келишди. Ташкилотлар билан шартномаларни ҳам тузиб, тасдиқлатиб олишган.

— Ўткир ака, талабалар қаерда ва қандай вазифаларда ишлашади?

— Биринчи отряд Москвада, жанубий йўналишлардаги поездларда ишлайди. 100 талабани бирлаштирган отряд жангчилари сарбонлар (проводник) сифатида хизмат кўрсатишади. Бўлғуси темир йўл инженерлари бу вазифада вагон хизмати, йўловчиларга қулайлик яратиш бўйича зарур кўникма ҳосил қиладилар.

Отряд 10 июлдан 25 августгача бўлган даврда йўловчилар учун Ўзбекистон кунларини ўтказади. Унда жумҳуриятимиз тарихи, маданияти ва санъати кенг тарғиб этилади.

Таллинн йўриндa эса 30 талаба хизмат қилади. Улар ҳам сарбон лавозимида Болтиқбўйи жумҳуриятлари поездларида фаолият кўрсатадилар. Эстонияга ҳам 30 талабани ўз сафида бирлаштирган отряд йўлга чиқади. Талабалар отрядлари Таллинн ёшлар штаби ва институтимиз штаби ўртасида тузилган шартномага кўра тенгдошларимиз шпал ётқизиш ишлари билан шуғулланишади. Бу отрядга литвалик талабамиз Лунте Герман етакчилик қилади. Институтимизнинг яна икки отряди Назарбекдаги касалхона қурилишида ҳамда «Главташкентстрой» бетончилари билан бир сафда туриб ишлашади. 75 кишидан иборат бу икки отряд жангчилари қурилиш куллиёти талабаларидир.

— Бундан чиқди, талабалар асли касбкорлари бўйича меҳнат малакаларини орттиришар экан-да!

— Ҳа, улар меҳнати ўзига хос амалиётда малака ҳосил қилишга қаратилган. Муҳандис ахир энг қуйи ишдан кўтарилиши лозимлиги ўз-ўзидан аён. Қолаверса, бу қайта қуриш талаби.

Менимча, бу йилги таътил ана шу жиҳати, яъни ўқув ва амалиёт узвийлиги билан ўтган йиллардан тубдан фарқ қилади.

— Ўткир ака, оммавий-ғоявий ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Талабаларимиз таътил кунларида ғоявий-сиёсий тадбирлар ҳам ўтказишади. Масалан, зарбдор кун, Ўзбекистон кунлари. Биз уларга керакли мавзулар ҳамда материаллар берамиз. Токи отряд жангчилари чин маънода сиёсий жангчилар сифатида ҳам чиниқсинлар. Меҳнат таътили ўзига хос оммавий-сиёсий амалиёт синови ҳам бўлсин деймиз.

Суҳбатдош Нодира СОДИҚОВА.

САФАР ЯҚИНЛАШМОҚДА

Яқинда Самарқанд вилоят комсомол қўмитаси иккинчи котиби Владимир Тивоник билан СамДД комсомол қўмитаси котиби муовини Улуғбек Ашуровлар Астраханда бўлиб қайтишди.

— Астраханга боришимиздан мақсад талабаларимиз учун яратилаётган шарт-шароит билан танишиш эди, — дейди Владимир Тивоник. — Талабаларимиз меҳнат таътилини ўтказадиган Привольжский ноҳиясининг Киров ҳамда Муса Жалил номли жамоа хўжаликларида бўлдик. Шарт-шароит биз кутганимиздан ҳам аъло даражада. Яшаш, дам олиш учун неки лозим бўлса, барчаси ҳозирлаб қўйилган.

Владимирнинг айтишича, айни кунларда Астрахань вилоятининг Колензяк ноҳиясидаги «Тузуклей» давлат хўжалигида қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчилари ёзги таътилни ўтаётган экан. Шу билан бирга чоржовлик мактаб ўқувчилари ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштиришда хўжалик меҳнаткашларига ёрдам беришаяпти. Нукус шаҳридаги 19-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Одилбой Қувондиқов вакилларимиздан рўзнома учун дил сўзларини битиб юборибди. Мана ундан сатрлар: «Биз қорақалпоғистонлик 234 нафар ўқувчи 5 июнь куни Астрахань вилоятига етиб келдик. Бизни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Тез орада ишни ҳам бошлаб юбордик. Иш оғир эмас. Эрталабки ва кечки салқинда ишлаймиз, қолган вақтларда дам оламиз.

Тез-тез дискотекалар бўлиб турибди, кинофильмлар намойиш қилинмоқда, бригадалараро спорт мусобақалари ўтказаяпмиз. Дам олиш кунларида эса Волга дарёси бўйлаб сайру саёҳат қилаяпмиз.

Қисқаси, бу ерга келганимиздан асло хафа эмасмиз. Астраханда иккинчи маротаба қишлоқ хўжалик юмушларида хўжаликларга баҳоли қудрат кўмак бераяпмиз. Ниятимиз келгусида ҳам бу хайрли ишни давом эттиришдир».

— Самарқанд Давлат дорилфунунининг 300 талабасини ўз сафига бирлаштирган «Мароқанда» талабалар отряди эртаиндин Астраханга отланади,— деб суҳбатни давом эттиради отряд командири Улуғбек Ашуров. — Биз Привольжский ноҳиясидаги Киров номли жамоа хўжалигида меҳнат қиламиз. Хўжалик талабаларимизни кутиб олишга аллақачон шай бўлиб турибди.

Маълум бўлишича, вилоят 1990 йилги меҳнат таътилида 40 минг талабани шартнома бўйича қабул қилар экан. Улар орасида чекка ўлкалар билан бирга фарғоналик, наманганлик талабалар ҳам бор. Самарқанддаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, темирйўл, кооператив техникумлари ҳамда Каттақўрғон педагогика билим юрти талабалари ҳам сўнгги йўл тараддудини кўришмоқда.

Ўтган мавсумда Астрахань вилояти меҳнаткашлари етиштирган ҳосилнинг 60 фоизи йиғиштирилмасдан пайкалларда қолиб кетган. Шу боисдан ҳам улар ишчи кучига мунтазир бўлиб туришибди.

Ҳамюртларимиз тўрт кун давомида Астрахань хўжаликларини кезишди. Жумҳуриятимиз талабалари учун яратилаётган шароитлар билан танишишди, маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилишди. Уларнинг айтишича, вакилларимизни қозоқлар миллий таомлари — бешбармоқ билан ҳам сийлашган.

— Муса Жалил номли жамоа хўжалиги раиси Пётр Петрович Карпенко билан суҳбатлашганимизда у ҳатто беш оилани қабул қилишга шай эканлигини айтди, — дейди Владимир Тивоник. — Яшаш учун барча қулайликлари бўлган икки қаватли коттежлар қуришни давом эттирмоқдамиз.

Хуллас, Астрахань талабаларни кутмоқда.

Муҳаммад АМИН.

ДАДИЛЛИК БОР ЖОЙДА

Имтиҳон ва синовлар ортда қолди. Ҳадемай талабаларни қайноқ меҳнат қучоғи қамраб олади. 45 кунлик меҳнат таътили!

Олис ўлкадаги учрашувлар, ўзгалар оғирини енгил қилиш қандай кўчаркин! Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиали талабаларининг бир гуруҳи билан мухбиримиз суҳбатда бўлиб, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширди.



Маҳмуда ҚАЮМОВА,
«Дўстлик» отряди аъзоси:

— Ўтган йили отрядимиз Ленинград шаҳридаги «Красний маяк» комбинатида меҳнат таътилини ўтаганди. Очиғини айтиш керак, биз инқилоб бешиги бўлган юртдан олам-олам таассуротлар билан қайтганмиз. Энг муҳими, комбинатда ихтисосимиз бўйича иш ўргандик. Назарий билимимизни амалиётга тадбиқ этиб кўрдик. Бўш вақтларимизда шаҳарнинг тарихий ҳамда диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдик. Шуниси қувончлики, ҳам ишлаймиз, ҳам билимимиз мустаҳкамланади, ҳам дўстларимиз davраси кенгаяди.



Гулбаҳор АБДУАЗИЗОВА,
«Дўстлик» отряди аъзоси:

— Ўрни келганда махсус кийим-бошлар хусусида ҳам айтиб ўтган маъқул. Комбинатда бўлганимизда талабалар меҳнат қилишаётганини ўзгалар ҳам сеза олсин деймиз. Тўғри, одатдаги кийим-бош биз учун маъқул эмас. У ҳаддан ташқари иссиқ. Қулай ва енгил дастгоҳ олдида чаққон ҳаракат қилиш имконини берадиган уст-бош бўлса деймиз.


Институт комсомол ташкилоти жойларга отрядларни юборгач, шу билан ишимиз тамом, деган ўйга бормасликлари лозим.



Лайло ЖАББОРОВА,
«Дўстлик» отряди аъзоси:

— Меҳнат таътилига тайёргарлик жараёнида яхши анъанамиз бор. Жангчилар аввалига Наманган шойи газламалар комбинатида дастгоҳлар билан «тиллашиш»ни ўрганадилар. Ишчи разряди бериладиr. Ишни бу таҳлитда ташкил этиш, энг аввало ўзимиз учун фойдали. Ахир ҳар биримизда малака ва разряд бор.

Жумҳуриятимизда бизга ишонишмайди. Ҳатто дастгоҳда ишлашни ҳам раво кўришмайди. Ленинградда эса ҳар биримизга алоҳида дастгоҳ бириктириб қўйилган.



Баҳром ҲУСАНОВ,
«Тўқувчи» отряди аъзоси:

— Миллий муносабатлар ўта тиғизлашган вақтда азалдан давом этиб келаётган қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳақида қайғуриш керак, деб ўйлайман. Биз олис юртдаги дўстларимиз билан ҳамкорликда ўтказиладиган режаларни белгилаб олдик. Ёшлар кечалари, очиқ мулоқотлар, дўстлик фестивалларини ўтказиш хусусида изланаяпмиз.

Халқимизда қадимдан шундай мақол бор: «Дарахт — илдизи билан, одам — дўстлари билан кучли». Дўстликка рахна солишга уринаётганлар орасира бўлса-да, учраб турибди. Лекин уларнинг қўли калта.



Шуҳрат ЎРОЗҚУЛОВ,
«Тўқувчи» отряди аъзоси:

— Талабалар отряди ўз соҳаси бўйича иш олиб борсаку, нур устига аъло нур. Аммо ихтисосликка мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этилса-чи? Менимча, бундай отрядни тузишдан фойда йўқ. Тўғри, талаба бироз пул ишлаб олиши мумкиндир. Бироқ, бу унинг қимматли вақти ҳавога совурилгандек бир гап. Бу йил илк бор Астрахань вилояти хўжаликларига қишлоқ хўжалик юмушларини бажаришда кўмаклашамиз. Олдинда қандай вазифалар турганлигидан қатъи назар, астойдил ишлашга бел боғлаганмиз.



Дилбар МАМАТХОНОВА,
институт комсомол ташкилоти котибаси:

— Бунёдкор талабаларимиз шижоаткор, ташкилотчи, айни чоғда ишбилармон ҳамдир. Ўтган йили Тўрақўрғон ноҳиясида қурилиш-монтаж ишларини уддалаган йигитларимиз 40 кунга режалаштирилган ишни 21 иш кунида муддатидан олдин адо этишди. Ленинградда ишлаган йигирувчиларимиз 34 минг 851 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Шубҳасиз, ютуқлар қувонарли. Амалдаги йилда бир нарсага эриша олмадик. У ҳам бўлса, институтимиз бунёдкор талабалар штаби ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома имзолай олмаганлигидир. Аммо бу борадаги ишларни давом эттирамиз. Келгусида бу ҳолга чек қўйилади. Назаримда, бунга яна бир сабаб бор: шартнома тузишда бунёдкор ёшларнинг вилоят штаби воситачилик қилиши орқали отрядлар ишлаб топадиган фойданинг катта қисмини ўзларида олиб қолади. Агар кўзда тутилган алоқаларни ўзимиз уддаласак, воситачига ҳожат қолмайди.

Суҳбатдош
Фозилжон ШОДМОН,
Суратлар муаллифи
Аъзамжон МИРЗАЖОН.

Диққат, конкурс!

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби ва «Ёш ленинчи» рўзномаси меҳнат таътилини ўзида мужассам этган энг яхши мақола ва суратлар учун КОНКУРС эълон қилади.

Конкурсда иқтидорли ижодкорлар, ҳаваскор қаламкашлар билан бирга рассом ва сураткашлар ҳам иштирок этишлари мумкин.

«Бунёдкор талаба» конкурсига жўнатилган мақола ва суратлар таҳлил этилмайди ҳамда муаллифга бу ҳақда жавоб берилмайди. Энг яхши, деб топилган ижодий ишлар махсус саҳифанинг 10-(сентябрь) сонида чоп этилади.

Конкурс ғолибларини Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда «Ёш ленинчи» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг дастхати туширилган «Ташаккурнома» кутмоқда.

Азиз муштарий, ёдда тутинг! Суратлар 18×24 ҳажмдан кам бўлмаслиги ҳамда у ялтироқ қоғозда ишланиши шарт. Рассомларнинг ижодий ишлари ҳам шу ҳажмда бўлиши ва у қора сиёҳда чизилиши мақсадга мувофиқ. Мақолалар эса 5—6 қоғоздан (3 интервалда) ошмаслиги лозим.

Конкурсга ҳавола этилган ишларнинг сўнгги муҳлати 20 сентябрь. Бу почта муҳрига қараб аниқланади.

Конверт устига «Бунёдкор талаба» конкурсига, деб ёзишни унутманг!

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИДА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти талабалари бу йил ёппасига ишлаб чиқариш практикаларида бўладилар.

Шу жумладан, 2000 га яқин талаба Москва, Горький, Барнаул, Волгоград шаҳарларидаги корхоналарда ўз мутахассисликлари бўйича меҳнат қиладилар. 300 нафар талаба эса пойтахтдаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ташсельмаш»да шартномага асосан ишлайдилар. Эътиборга молик томони шундаки, пойтахт корхоналарида практика ўтайдиган талабалар 100 фоиз иш ҳақини оладилар.

З. ҲАҚБЕРДИЕВА.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Элликқалъа ноҳиясидаги Шмидт номли ўрта мактаб ўқув-ишлаб чиқариш бўлаги ёшлари ўтган хўжалик йилини яхши якунлашганди. Ўқувчилар энди янада масъулиятли қадамни қўйишди — ерни ижарага олишга аҳд қилишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 40 миллиондан ошиқ одам ойига бор-йўғи 75 сўм атрофида иш ҳақи олиб, камбағалчилик шароитида яшайди. Уларнинг ҳар бешдан бири Ўзбекистонда. Ўқув-ишлаб чиқариш жамоаси учун бу кўрсаткич бегона: ҳар бири 600-650 сўм атрофида иш ҳақи ва шу миқдорда қўшимча иш ҳақи олишди.

Ўтган йили ўқувчилар 30 гектар қўриқ ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ҳисобига 27 центнердан хирмон кўтаришди. 82 тонна юқори навли пахта сотишди. «Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалиги йил бошида ўқувчилардан 49 минг сўмлик хом ашё кутганди, якунда бу кўрсаткич 56 минг сўмни ташкил этди. Тўғри, жамоанинг умумий даромади хўжаликнинг «умумқозони»га тушди.

Ана шу сабабли ҳам йил бошида ўқувчилар хўжаликнинг «Прогресс» бўлими ҳисобидан 47 гектар майдонни ижарага беришни сўраб, раҳбариятга мурожаат қилишди.

Ўқувчиларни ишлаб чиқаришнинг янги усулига ўтишга молпарастлик кайфияти даъват этдими? Йўқ, бу ерда таҳлил, чуқур хулоса бор. Ерни ижарага олгач, ўқувчилар ишлаб чиқариш бўлаги умумдаромаднинг ўн фоизини хўжаликка беради. Қолган маблағ мактаб ҳисобига тушади. Балки, бориб-бориб шу маблағ ҳисобига мухтор жумҳуриятда биринчи бўлиб мактабда дисплей синфлари ташкил этиш мумкин бўлади. Албатта, ижтимоий масалалар ҳам эътиборда тутилди. Пахтанинг харид нархи пастлиги шароитида ҳам Элликқалъа ноҳиясида оила пудрати усулида ишлаш учун ҳамма хонадонларга ер етмайди. Ўқувчилар ишлаб чиқариш жамоаси аъзоларининг кўпчилиги пудрати йўқ оилаларнинг фарзандлари. Ижара пудрати — оила иқтисодига етарлича ёрдам бериш ҳам дегани.

Яна бир томонига эътибор берайлик. Ўқувчилар ишлаб чиқариш бўлаги мактаб билан хўжалик алоқаларини янада мустаҳкамлади. Яқин-яқингача мактаб тевараги ва унинг спорт майдончаларини қум босиб ётарди. Хўжалик ёрдами билан атроф тартибга солинди. Шунингдек, узоқда яшайдиган ўқувчиларни мактабга келтиришда ҳам ёрдам берилмоқда. Ижара эса ўқувчилар ва муаллимлар фикрича, бу алоқани янада мустаҳкамлаши, иккала томон шартномаларини жипслаштириши мумкин.

Айтаверса бунга мисоллар кўп. Ўқувчиларнинг шахсий фикрлари ҳам буни исботлайди.

— Мен кўнгилли бўлиб ёзилган эдим, — дейди Муборак Қурбонбоева. — Оиламизда болаликдан меҳнат қилишга одатлантиришган. Ўзингнинг уст-бошинг учун пул ишлаб топсанг ёмонми? Яна, ишлаш вақти атиги икки соат қилиб белгиланган бўлса.

— Муборак тўғрисини айтаяпти, —дейди Лола Чуранова. —Умуман олганда, бундай жамоада ишлаш менга жуда ёқади.

Мактаб директори, ажойиб ўқитувчи Ҳалил ака Матёқубов билан узоқ суҳбатлашдик. Ўқувчиларнинг ер олиб, пахта экишлари ташаббуси айнан шу кишидан чиққан. Ҳалил ака болаларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш, тарбиялашни жуда муҳим ҳисоблайди. Мактабда қуёнчилик фермаси очилгани ҳам шу ишнинг бошламаси. Бир йилда қуёнлар сони юзтага ошгани — кони фойда-ку! Аммо, Ҳалил аканинг асосий мақсади — пахта майдонини ижарага олиш.

— Истагим, фарзандларимиз фақат меҳнат қиладиган, муте одамлар бўлиб ўсишмасин, — дейди директор. — Ижара пудрати эса ёшларнинг хўжалик билан ҳисоб-китоб қилиш, ўз ҳақларини талаб қила олишга ўргатади, мустақилликни белгилайди. Фикримча, айнан мактабда янги давр, янгича ишлаб чиқариш муносабатларида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз керак.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти.

РЕДАКЦИЯДАН: фаол мухбиримизнинг мақоласи босишга тайёрланаётганда давлат хўжалиги маъмурияти ўқувчиларга мазкур ерни ижарага беришга рози бўлганидан хабар топдик. Жумҳуриятимизни иқтисодий мустақилликка ўтказиш масаласи кун тартибида турган пайтда ўқувчиларнинг ташаббус билан мустақиллик сари дастлабки дадил қадамни қўйганликларини алқамоқ керак.

Андрей САХАРОВ

ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИ

ЁКИ ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ ВА АҚЛ-ИДРОК ЭРКИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

1945—1947 йиллардан таниқли совет олими, назарётчи физик Игорь Евгеньевич Тамм раҳбарлигида аспирантурада ўқидим. Диссертация ҳимоясидан кейин бир неча ой ўтгач, 1948 йил баҳорида термоядро қуроли муаммоси билан шуғулланувчи тадқиқот гуруҳига киритилдим. Мамлакатимиз учун дунёда кучлар тенглигини сақлаб туриш учун беҳад қудратли қурол яратишнинг ҳаётий муҳимлигига шубҳа қилмасдим. Вазифанинг улуғворлигига берилиб, бор куч-ғайратим билан ишладим, бир қанча етакчи ғоялар муаллифи ёки ҳаммуаллифи бўлдим. Ғарб матбуотида мени кўпинча, «водород бомбасининг отаси» деб аташади. Ушбу тарихий жамоа муаллифлигининг мураккаб ҳақиқий вазиятини жуда ноаниқ акс эттирадики, бу ҳақда батафсил гапириб ўтирмайман.

1950 йили тадқиқот гуруҳимиз махсус институт таркибига қўшилди. Кейинги 18 йил мобайнида мен ҳарбий конструктор ва ихтирочилар махсус институтлар, қўмиталар ва илмий кенгашлар, тажриба заводлари ва полигонларнинг ўзига хос олами гирдобида суздим. Минглаб одамларнинг моддий, заковат кучлари, асаблари бор нарсани остин-устун қилиб юборувчи, инсон маданиятини супуриб, йўқотиб юборувчи воситалар яратишга сарф бўлаётганини ҳар куни кўриб турдим. Бошқарув дастаклари гарчанд ўз-ўзича истеъдодли бўлса-да, баъзан одамлар қўлида эканлигини кузатдим. 1953 йил ёзигача атом лойиҳасининг олий бош раҳбари Берия бўлиб, унинг қўл остидаги миллионлаб қул-маҳбуслар барча қурилиш ишларини бажаришарди. 50-йиллар охиридан бошлаб ҳарбий саноат комплекси, унинг ўз «ишк»идан бошқа нарсани кўрмайдиган ғайратли, принципсиз раҳбариятининг жамоа қудрати тобора аниқ аён бўла бошлади. Менинг ўрним, мавқеим бир қадар бошқача эди. Нисбатан ёш, бунинг устига фирқасиз назарётчи-ихтирочи сифатида маъмурий жавобгарликдан четроқда эдим, фирқанинг мафкуравий назоратидан озод эдим. Тутган мавқеим кўп нарсани кўришга имкон берарди, ўз масъулиятимни ҳис этишга мажбур қиларди, айни чоғда бу бузуқ тузумга бир мунча четдан нигоҳ ташлашим мумкин эди.

1957 йилдан эътиборан [А. Швейцер, Л. Полинг ва яна бошқаларнинг термоядро уруши ва унинг оқибатлари ҳақидаги фикрлари таъсири остида] ўзимни ядро синовларида радиоактив зарарланиш муаммосига масъул деб сездим. Бу муаммони тушунтиришга уринишда катта қийинчиликларга, тушунишни истамасликка дуч келдим. Маърузаномалар ёздим [улардан бирини олиб И. В. Курчатов Н. С. Хрущев билан учрашиш учун Ялтага борди. 1958 йилги синовларни бекор қилишга бесамар уриниш], кенгашларда сўзга чиқдим. Атомчи олимларнинг 1961 йили Вазирлар Кенгаши Раиси Хрущев билан учрашуви эсимда. Янги синовларга тайёргарлик лозимлиги ва бундан СССРнинг Германия масаласи [Берлин девори]даги янги сиёсатини қўллаш кўзда тутилаётгани маълум бўлди. Мен: «Уч йиллик тийилиб туришдан сўнг синовларнинг қайта бошланиши синовларни тақиқлаш ва қуролсизланиш ҳақидаги музокараларни бузишга, қуролланиш, айниқса, қитъалараро ракета ва ракеталарга қарши мудофаа воситаларининг янги турига олиб келади», деган мазмунда хат ёзиб, қатордагилардан Хрушчевга оширдим. Хрушчев хатни кўкрак чўнтагига солиб қўйди-да, ҳозир бўлганларни овқатга таклиф этди. Тузатилган дастурхон устида ўзининг ва бошқаларнинг нуқтаи назарини очиқ ифодаланиши билан ёдимда қолган нутқ айтди. У тахминан шундай деди. Сахаров — яхши олим, лекин ташқи сиёсатни бизга, бу ишнинг ҳавосини олганларга қўйиб берсин. Фақат куч, фақат душманни чалғитиш иш беради. Биз зўравонлик позициясидан туриб сиёсат ўтказамиз, деб ошкора айтолмаймиз. Лекин асли шундай бўлиши керак. Мен Сахаровга ўхшаганларнинг гапига қулоқ осссам, Вазирлар Кенгаши Раиси эмас, сўтак бўлардим». 1960 йилги сиёсатимиз билан биз Кеннедининг сайланишига ёрдам бердик.

Яна бир оғир воқеа 1962 йилда юз берганди. Вазирлик, асосан, ўз нуфузи, нафсониятни манфаатларидан келиб чиқиб, техник нуқтаи назардан амалда фойдаси бўлмаган, синов портлашига кўрсатма берди. Портлаш жуда кучли, қурбонлар эса ғоят катта бўлиши кутиларди. Бу асоссиз, жиноятнокорона қадам эканлигини тушуниб, жон аччиғида уни тўхтатиш ҳаракатига тушдим. Бу асабни қақшатадиган кураш бир неча ҳафта давом этди. Синов арафасида вазирга қўнғироқ қилиб, истеъфога чиқишимни айтдим. «Сизнинг бўйингиздан тутиб турмаймиз», — деб жавоб қайтарди вазир. Хрушчевнинг Ашхободда эканлигини хабар топиб, унга сим қоқиб, аралашувини илтимос қилдим. Эртаси куни Хрушчевнинг яқин одамларидан бири билан фикр алмашдик, лекин шу пайт синов муддати олдинга сурилган, тайёра юкини мўлжалга элтаётган эди. Ўша куни руҳимни чулғаб олган ожизлик ва даҳшат бир умр эсимда қолди, бутун идрокни, дунёқарашим йўлида кўп нарсани ўзгартириб юборди.

1962 йили муҳим бир ғояни баён қилдим. Дўстларимдан бири унга эътиборимни қаратган эди. Бир неча йиллардан, термоядро синовларини тўхтатиш ҳақида музокаралар давом этаётган, масала ер ости портлашларининг назорат қилишнинг

[Охири. Боши ўтган сонларда].

6

қийинчилигига бориб тақалган эди ўшанда. Ҳавода, коинот ва океандаги портлашлардагина радиоактив зарарланиш рўй беради. Шунинг учун ушбу муҳитларда синовларни тақиқлаш тўғрисидаги битим билан чегараланиш ҳар икки муаммо (зарарланиш ва назоратни) ҳал этади. Эслатиш зарурки, олдинроқ таклиф билан президент Эйзенхауэр чиққан эди, лекин ўшанда совет томони рўйхушлик билдирмади. 1963 йили Хрущчев ва Кеннеди ташаббуси билан тузилган Москва шартномаси деб аталмиш шартномада бу ғоя амалга ошди. Ушбу тарихий воқеага менинг ташаббусим ҳам ёрдам берган бўлса эҳтимол.

1964 йили СССР Фанлар академияси йиғилишида [Лисенко сафдошларидан бирининг сайланиши муносабати билан] сўзлаган ваъзимда совет биологиясининг аҳволи, замонавий ирсият ўн йиллар давомида «сохта фан» сифатида таъқиб этиб келинганлиги, бу соҳада ишлаган олимлар қаттиқ қувғин ва қатағонга дучор қилинганлиги ҳақида гапириб, кўпчилик ўртасида «тақиқланган» мавзуга тегиб ўтдим. Кейин Н. С. Хрушчевга ёзган мактубимда бу фикрларни ривожлантириб, батафсил баён этдим. Иккала чиқишим ҳам шов-шув бўлди, кейинчалик аҳволнинг ўнгланишига бир қадар ёрдам берди. Худди ўша кезларда менинг исми-шарифим совет матбуотида илк бор пайдо бўлди, қишлоқ хўжалик Фанлари академияси президенти мақола ёзиб, шаънимга кўп бўлмағур таънанадоматлар ёғдирди.

Бу воқеалар аҳвол-руҳимга қаттиқ таъсир қилди, мулоқот қиладиган одамлар доирасини кенгайтирди. Хусусан, ака-ука Жорес ва Рой Медведевлар билан, Рой Медведевнинг Сталин жиноятлари ҳақидаги китоби қўлёзмаси билан танишдим.

1966 йили КПСС XXIII съездига Сталинга «сиғиниш» ҳақидаги жамоатчилик хатини ёзишда қатнашдим. Ўша йили инон-эътиқод учун тазйиқ-таъқибларга кенг йўл очиб берадиган Қонун [РСФСР ЖК 90—1-моддаси] тайёрланаётганидан хабар топиб, РСФСР Олий Шўросига телеграмма йўлладим. Шу тариқа менинг тақдирим илк бор оз сонли, лекин ахлоқий, журъат этиб айтаманки, тарихий маънода жуда салмоқли, кейинчалик «бошқача фикрловчи» деб ном олган [шахсан менга қадимий рус сўзи «вольномыслящие» — «ҳур фикрловчилар» кўпроқ маъқул] жуда салмоқли одамлар тақдири билан қўшилиб, чирмашиб кетди. Кўп ҳам ўтмай Брежнев номига хат йўллаб, бошқача фикрловчилардан тўрттаси: А. Гинзбург, Ю. Галансков [1972 йили лагерда фожиали ҳалок бўлган], В. Лашкова ва Добровольскийларнинг қамалишига норозилик билдирдим.

1968 йил бошида «Тараққиёт, тинч-тотув яшаш ва ақлидрок эрки ҳақида ўйлар» деб аталган китобимни ёзишга киришдим. Бу менинг ўз нашрда чиққан биринчи асарим эди.

«Ўйлар» хорижда босилиши [1968 йил, август] менинг махфий ишлардан бир зумда йироқлаштирилишим ва ҳаёт тарзим янги изга тушишига боис бўлди. Худди ўша кезларда ҳозир ўзимга беасос туюладиган туртки билан давлат фонди [онкология маркази қурилиши ва Қизил Крест]га ҳамма жамғармаларимни[1] ўтказдим. Ўша пайтларда ёрдамга муҳтож одамлар билан шахсий алоқам йўқ эди. Ҳозир атрофимда нафақат ҳимояга, балки моддий кўмакка ҳам муҳтож одамларни кўриб, жуда шошиб қилган ишимга кўп афсусланаман.

1969 йилдан СССР Фанлар академияси физика институтига ишга юборилдим. У ерда бир пайтлар Игорь Евгеньевич Тамм қўлида аспирант, кейин ходим бўлган эдим. Гарчанд бу ишим ва моддий аҳволим пасайганини билдирса ҳам, ҳар қалай физиканинг мен учун энг қизиқ соҳаси — элементар зарралар назарияси борасидаги илмий тадқиқотларимни давом эттириш имкониятини берар эди.

Шу билан бирга, ижтимоий воқеалар ва адолатсизликка қарши туриш ички эҳтиёжи мени янги саъй-ҳаракатларга ундади. 1970 йил бошида биз физик ва математик Валентин Турчин ҳамда Рой Медведев билан ҳамкорликда давлат раҳбарларига янги очиқ хат билан мурожаат қилдик. Хат демократиялаштириш ва техник-иқтисодий тараққиёт муаммолари ўзаро алоқадорлиги мавзуида эди. Июнь ойида ака-ука Медведевлардан бири — биолог, Жоресни руҳий касалхонага қонунсиз жойлаштирилишидан озод этиш мавсумида қатнашдим. Ўша кунларда Черняховск шаҳрига, СССР Ички ишлар вазирлигининг махсус қамоқхона касалхонасига мажбурий даволашга юборилган генерал П. Г. Григоренко иши юзасидан СССР Прокуратурасига жамоа назорат шикояти йўллашда иштирок этдим. Григоренконинг сиёсий маҳбусларни ҳамда 1944 йили Сталин ўзбошимчалиги билан Қримдан сургун қилинган ва ҳозир ўз юртига қайта олмаётган қрим-татарларни ҳимоя қилиб бир неча бор ошкора чиқишлар қилганлиги бунга сабаб бўлган эди. Шу тарзда мен ҳозирги совет воқелигининг, балким энг шармандали томони — инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳимоясига киришган кишиларни қонунсиз ва беҳаёларча таъқиб қилинишига 1968 йилдагидан ҳам яқинроқ дуч келдим.

Шундан сўнг А. Сахаров таржимаи ҳолини баён этувчи мақоласида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фаолияти, ўша йиллар сиёсий жараёнларидаги қўлидан келганча иштироки ҳақида сўз юритади. У математик Р. Пименов ва артист Б. Вайл (1970 йил октябрь, ҳукм — 5 йил сургун), астрофизик К. Любарский (1971 йил кузи, 5 йил қамоқ), В. Буковский (2 йил қамоқ ва 5 йил лагерь, сўнг 5 йил сургун), руҳиятчи С. Глузман (7 йил қамоқ), В. Морозов ва Ю. Шухевич (14 ва 15 йилдан қамоқ ва сургун)лар устидан бўлган судларни эслатади. Аҳолининг кенг табақаларида, — қайд этади А. Сахаров ижтимоий масалаларга лоқайдлик, истеъмолчилик ва худбинлик нуқтаи назари кўпайиб бормоқда. Ўлик расмий мафкурага норозилик эса кўпчиликнинг ичида, англаб олинмаган тарзда. Диний ва миллий харакатлар кенгроқ ва онгли тарзда эканлигига эътиборни жалб этиб, академик Сахаров ёзади: «Бахтга қарши, қайд этиш керакки, миллий тикланишга ҳаракат баъзида шовинистик хусусият касб этади. Бунга бир мисол — рус антисемитизми. Рус зиёлиларининг оппозициядаги қисми учун миллатчиликнинг ноошкор фирқа давлат таълимоти билан мантиққа зид яқинлашуви кўзга ташланмоқдаки, бу амалда большевикларнинг миллийликка қарши ва динга қарши афсоналарининг тобора ўрнини босмоқда. Бошқа бировларда эса қониқмаслик ҳисси бошқа ноижтимоий шаклларда (ичкиликбозлик, жиноятчилик ва ҳоказо) намоён бўлмоқда». **Ред.**

7

1971 йил бошларида «Эсдалик хати» ёздим ва шу йил мартида Л. И. Брежнев номига йўлладим. У шаклан мамлакат раҳбарияти билан хаёлдаги мулоқотнинг хомакисини ташкил этар эди. Унда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ўзимнинг амалий талабларимни акс эттиришга интилган эдим.

1972 йил апрелида сиёсий маҳбусларни авф этиш ва ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида СССР Олий Шўросига мурожаат матнини тайёрладим. Бу ҳужжатлар СССР эллик йиллигини кўзлаб ҳозирланган эди. Ушбу масалаларга мен бағоят жиддий эътибор берилишини ёзган эдим. Иккинчисига тўхталмоқчиман. Ўлим жазосининг бекор қилиниши — ҳар қандай мамлакат учун аҳлоқий ва ижтимоий жиҳатдан ғоят муҳим қадам. Ҳуқуқий онг ғоят паст бўлган, заҳру-қаҳр кенг томир отган бизнинг мамлакатимизда бу қадам айниқса муҳим.

1971 йил сентябрида СССР Олий Шўроси Президиуми аъзоларига муҳожирликка бетўсиқ кетиш, қайтиб келиш ҳуқуқи ҳақида хат билан мурожаат қилдим. Бу масаладаги бошқа ҳаракатим, АҚШ конгрессига 1973 йил сентябрда йўллаган хатим бўлди.

Кейинги йиллардаги, айниқса, ўзимга ва оиламга тазйиқтаъқиблар тобора кучайиб борган шароитда давом этди. 1972 йил сентябрида яқин дўстимиз Юрий Шиханович ҳибсга олинди. 1972 йил октябрида хотинимнинг қизи Татьяна, барча фанларни тўлиқ ўзлаштиргани ҳолда расмият ва тўқиб чиқарилган баҳона билан дорилфунуннинг охирги курсидан ҳайдалди, уни тиклаш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар бутунлай бекор кетди. Йил давомида номаълум одамлар, номаълум шахслар дўқ-пўписалар қилиб, бўлмағур айблар тўнқаб турди. 1973 йил февралида «Литературная газета»да бош муҳаррир Чаковскийнинг мақоласи босилиб, унда мен Инжилдан кўчирмалар келтирувчи ўта гўл «ноз-истесно билан зайтун япроғини силкитувчи «телбасифат», «Пентагон мақтовларини қўш-қўллаб қабул қилувчи» [буларнинг бари совет матбуоти саҳифаларига илк бор шу тарзда кирган «Ўйлар» муносабати билан»] дея таъриф-таъсиф қилиндим. Март ойида мен биринчи марта ДХҚга [расман хотиним билан дўстимиз Юрий Шихановнинг орасига тушишимиз муносабати билан] суҳбатга чақирилдим. Июнда Татьянанинг эри ишдан кетди. Июлда «Тухмат сотувчи» деган мақола пайдо бўлди. Худди шу йил июль ойида хотинимнинг ўғли Алексей, юқорининг махсус кўрсатмасига асосланиб бўлса керак, дорилфунун аспирантурасига йўлаттирилмади. Августда мени СССР прокурори муовини Маляров чақиртирди. Суҳбатнинг асосий мазмуни пўписадан иборат бўлди. Совет рўзномаларида, хориж коммунистик рўзномаларида чиққан материаллар ҳамда қирқ академигимиз қўл қўйган, мени халқаро тангликни юмшатиш душмани, деб эълон қилган хати босилди. Шундан кейин рўзнома мавсуми бутун мамлакат бўйлаб ёйилди, жамиятимиз барча табақалари вакиллари мени қоралашга тушди. Сентябрь ойи охирида ҳар тарафдан ДХҚ нигоҳи қадалган квартирамизга ўзларини «Қора сентябрь» ташкилоти аъзолари деб таништирган шахслар кириб келишди. Улар нафақат мени, балки оилам аъзоларини ҳам бир ёқли қилиб кетишларини рўйи-рост айтишди. Ноябрда терговчи ДХҚ полковниги хотинимни соатлаб чўзиладиган такрорий суҳбатга таклиф этади, унинг[2] хатти-ҳаракатлари РСФСР ЖК 70-моддасига кўра 7 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкинлигидан огоҳ этади. Битта оила учун бу кўргуликлар етиб-ортади, деб ўйлайман.

Кўпчилик чиқишларим давлатимиз раҳбариятига қаратилган ёхуд хорижда аниқ манзилгоҳга эга. Лекин мен ботинган жаҳондаги барча одамларга, айниқса, мамлакатим одамларига мурожаат қилганман, негаки, улар мамлакатим ва халқим ташвиши, хавотирини чекиб айтилган, ёзилган.

1973 йил 31 декабрь.
Москва[3]

Сайди УМИРОВ таржимаси.
(«Юность» журнали, 1990 йил 3-сонидан).

---

1 139 минг сўм. — **Ред. изоҳи.**


2 Сахаровнинг хотини, Елена Георгиевна Бонэр Э. Кузнецовнинг ўз инон-ихтиёрига тушган кундалигини Ғарбга узатади. **Ред. изоҳи.**

3 А. Сахаровнинг 1989 йил боши, СССР халқ депутатлигига номзоди кўрсатилган пайтдаги таржимаи ҳолидан:

«1975 йилда «Мамлакат ва дунё ҳақида» деган китоб битдим. Ўша йили Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлдим. 1977 йили «Ташвиш ва умид» деган мақола эълон қилдим. 1979 йил декабри, 1980 йил январида Афғонистонга совет қўшинлари киритилишига қарши бир қанча баёнотлар билан чиқдим. Барча ҳукумат мукофотларидан маҳрум этилдим ва бесуд Горькийга сургун қилиндим. У ерда «АҚШ ва СССР тинчликни сақлаш учун нима қилишлари керак» ва 1983 йили «Термоядро уруши ҳавфи ҳақида» мақолалар ёзилди. 1986 йил охирида Москвага қайтдим. П. Н. Лебедев номли физика институтида хизматини давом эттираяпман. **Ред. изоҳи.**

8

Бепоён менинг Ватаним




МОСКВА. Кузнецкий мостда москвалик мусаввирларнинг, графиклар, ҳайкалтарошлар, амалий санъат усталарининг кўргазмаси намойиш этила бошланди. Унда навқирон совет санъатининг реализмдан то авангардгача бўлган мактаблари, услублари ўз ифодасини топган.

Кўргазма муаллифлари асосан ўткир ижтимоий мавзуга қўл урганлар, келажак ҳақида фикрлайдилар. Кўргазманинг асосий мақсади томошабинларни ҳаёт ҳақида, умр мазмуни ҳақида ўйлашга жалб этиш. Ўйлаймизки, бу муддао амалга ошади.

СУРАТЛАРДА: кўргазма лавҳалари.

П. МАКСИМОВ суратга олган. (СИТА сурат лавҳаси).



Хориждан хабарлар



ИНДОНЕЗИЯ. Сиз суратда кўриб турган илоннинг ёши саккизда, вазни 80 килограмм, узунлиги 7 метр. Бизга у баҳайбат ва қўрқинчли туюлгани билан бу одам ва унинг қизчаси учун оиланинг тўлақонли аъзосига айланган.

АНТАРА — ТАСС сурати.

ФОҲИШАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

ДЕҲЛИ. ТАСС мухбири Александр Виноградов хабар қилади: «Оддий қиз» билан тўрт соатлик кўнгилхушлик бир минг рупия, «энг гўзал қиз» билан кўнгилхушлик эса беш минг рупия туради. Текшириш чоғида Бордель бекасининг икки қизи ҳам гўзал қизлар қаторига киритилганлиги маълум бўлди. Бу ва шунга ўхшаш воқеалар Ҳиндистон пойтахтида фоҳишабозликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг Ҳиндистон пойтахти рўзномалари саҳифаларини тўлдириб юборди.

Жиддий «жанг» олиб борилмоқда — ҳозирнинг ўзидаёқ беш юзга яқин фоҳиша ва фоҳишахоналарнинг бекалари қўлга олинди. Бу соҳада етарли даражада қулай бўлган ҳинд қонунлари қандайдир фитна уюштиришга, сохта мижоздан фойдаланишга имкон беради. Аслида эса ўша сохта мижоз — полиция агенти фоҳишахонага келади ва «олдиндан» пул тўлайди. Шундан кейин форма кийиб олган тартиб посбонлари у ерга бостириб кирадилар ва сохта мижознинг кўрсатмалари асосида бу қадимий касб вакилаларининг барчасини ҳибсга оладилар.

Фоҳишабозликнинг чет элга чиқиши пайини қирқиш учун уринишлар бўлди. Хорижий мамлакатларга ишга ёллаш баҳонасида Покистонга ва Яқин Шарқдаги баъзи мамлакатларга «гўзаллар»ни етказиб бериш билан шуғулланган бир неча фоҳишахоналар фош этилди. Ғарбий Бенгалия ва унга қўшни Бангладешдан денгизчилар ҳамда ўз хонадонида порсоликни тарғиб қилувчи араб шайхлари учун шу нуқтаи назардан энг севимли Деҳли ва Бомбей шаҳарларига ёш қизларни олиб келадиган кишилар ҳам фош этилди.

Лекин ҳар ҳолда ғалаба қозонишга вақт эрта. Деҳлидаги хусусий меҳмонхоналарда, айниқса, курорт шаҳарларида ижарада турувчиларга «кўнгил ёзишни» очиқчасига таклиф этадилар. Қашшоқлик, ишсизлик аввалгидек ҳалокатли миқёсга етмоқда. Ана шу нарса бу соҳа учун «ишчи кучлари»ни етказиб бермоқда. Ҳаётда шундан бошқа ўз ўрнини тополмаганлар учун бу ҳатто жозибали бўлиб қолмоқда.

ХАРАЖАТЛАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

ЛОНДОН. (ТАСС). Саудия Арабистони шу ойда Исломнинг муқаддас қадамжолари бўлган Макка ва Мадинага ҳажга борадиган совет мусулмонларининг мамлакатда бўлиши билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади, деб хабар қилади Рейтер агентлиги. Ҳаж ва вақф ишлари вазири Абдул Ваҳоб Аҳмад Абдул Возийнинг таъкидлашича, СССРдан ҳажга борадиган 1500 нафар тақводор бир ҳафта мобайнида — Саудия Арабистонига келган пайтидан бошлаб ўз ватанларига қайтиб кетгунларига қадар подшоҳлик меҳмонлари бўлишади. Бу иш подшоҳ Фаҳднинг буйруғига биноан қилинмоқда, деб таъкидлади у.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

САЛОМАТЛИК УЧУН САКРАНГ

«САКРАНГ, иргишланг, ана шунда танангиздаги бутун касалликдан фориғ бўласиз». Ғарбий мамлакатлар, айниқса, Англия ва АҚШда яшайдиган сакровчиларнинг шиори шундай.

Кейинги ўн йилда турсикчан бўлиб югуриш жуда оммавийлашиб кетганди. Эндиликда унинг ўрнини сакраш эгалласа ажаб эмас. Ҳозирги кунда одамлар ҳар бир бўш дақиқани хоҳ кўчада бўлсин, хоҳ уйда, хоҳ иш жойида бўлсин, сакраш билан ўтказишмоқда. Ташаббускорларнинг айтишича, сакраш қоннинг танада айланишини, модда алмашишини, ақлий ва жисмоний иш қобилиятини яхшиларкан.

Булғориянинг «Орбита» ҳафталиги ҳам уларга хайрихоҳлик билдириб, ушбу хабарни босиб чиқарибди.

«ДАРАХТЛАР КУНИ»

1 ИЮНЬ қандай кун? Дарҳол хаёлингизга «Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни» деган фикр келган бўлса ажаб эмас. Тўғри, лекин бу кун Бенин жумҳуриятида «Дарахтлар куни» ҳам экан. Хўш, шу куни одамлар нима иш билан шуғулланишади? Ўз-ўзидан маълумки, кўчат экиш билан-да. Африканинг жазирама исситида соянинг қадрига етган ҳар бир инсон, албатта, кўчат ўтқазиш билан машғул бўлади. Бу анъананинг жорий қилинганига олти йил бўлибди. Шу давр мобайнида мамлакатда 9,5 миллион дарахт ўтқазилибди.

АМЕРИКА НОМИ ШУБҲА ОСТИДА

ИТАЛИЯ денгиз сузувчилари тўғрисидаги китоб устида иш олиб бораётган тадқиқотчи Жорж Бижер муҳим маълумотни қўлга киритди. Бу маълумот Американинг ҳозирги номини шубҳа остида қолдирмоқда. Чунки архивдан топилган Америго Веспуччининг шахсий дастхати шундан гувоҳлик бермоқдаки, унда Веспуччининг номи Америго эмас, балки «Эмериго» деб ёзилган.

Демак, табиийки, қитъа Америка эмас, «Эмерика» деб номланиши керак.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЁШЛАР ТЕЛЕТАЙПИ

◉ БУ ЙИЛ Нукус индустриал техникумига кирувчилар кириш имтиҳонларини янги бинода топширадилар. Комплексда кенг аудиториялари бўлган типовой ўқув бинесидан ташқари спорт ва мажлислар заллари, шинам ошхона бор. Ўқув хоналари ва лабораториялар яхши жиҳозланган, бу эса машғулотларни юқори сифат билан ўтказиш имконини беради.

* * *

◉ УИДА ишлайдиган тарбиячи — Боевут ноҳия халқ таълими бўлими штатига киритилган янги лавозимдир. Бу оилавий деб аталадиган болалар боғчаларининг тарбиячилари бўлиб, улар асосан педагогик қобилиятга эга ва уй шароитлари яхши бўлган уй бекаларидир. Бундай болалар боғчалари шарофати билан ҳозир қўшимча яна 200 бола мактабгача тарбиядан баҳраманд бўлмоқда. Ноҳияда мактабгача тарбия муассасалари тармоғини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Йил бошидан буён 610 ўринли бешта болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

* * *

◉ ШАҲАР ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида битириш имтиҳонларини топширган термизлик 140 нафардан зиёд мактаб ўқувчиси тиббиёт ходимлари гувоҳномаларини олишди. Улар икки йил мобайнида назарияни ўзлаштирдилар, назарий кўникмаларни ҳосил қилдилар. Болалар поликлиникалари ва касалхоналарда ишладилар, Қизил Яримой Жамияти ишида иштирок этдилар. Бу гувоҳномалар уларга тиббиёт кичик ходимлари бўлиб ишлаш ҳуқуқини беради.

(ЎзТАГ).



Тибетликларнинг асрлар давомида кишиларни ҳайратга солиб келган тиббий дунёси ҳали-ҳали сирлигича қолаяпти. Очиғи, уларнинг тиббиёт олами ранг-баранг. Ҳар қандай билимдон мутахассисларнинг ҳам ўқиб-ўрганишга «тиши ўтмайди». Дунёда нима кўп, хасталикнинг тури кўп. Лекин бу хасталикларни даволаш йўлларини излаб топиш ҳам осон эмас. Тибетликлар тажрибаларини синчиклаб ўрганиш бизнинг мамлакатимизда ҳам анчадан бери давом этмоқда. Ажойиб инсон Виктор Востоков, бу сеҳрли дунёнинг сир-асрорларини эгаллаш учун эҳ-е, неча йиллар машаққат чекди. Ҳатто шарқ спорт усулларигача пухта эгаллади. Аввалига унга кўпчилик ишонмади. Охири тан беришди. Чунки шарқликларнинг минг йиллик меросини ўрганишга ҳар кимнинг ҳам юраги бетлайвермайди-да! Унинг йиллаб чеккан заҳматлари зое кетмади. Эндиликда унинг яна мухлислари кўпайди...

СУРАТДА: доктор В. Востоков шогирди Ирина Цветкова билан машғулот пайтида.

Р. НЕТЕЛЕВА сурати. (ТАСС).

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?..

Очиғи, Италияда ўтаётган жаҳон чемпионатида бундай кутилмаган натижалар, ўйинлар бўлишини ҳеч ким кутмовди. Ахир қайси биримизнинг хаёлимизга 1/4 финал учрашувларида эндигина қаддини тиклаб олаётган Камерун, Югославия, Чехословакия командаларининг қатнашуви келганди? Ҳеч биримизнинг. Спорт ўзининг ана шундай мўъжизалари, фавқулодда қўйилган рекордлари билан ҳам сирлилигича қолаверар экан-да...

Барибир тан олиш керак, Жанубий Америкага нисбатан бу гал Европа ўзининг анча устунлигини намойиш қилаяпти. ГФЖ, Италия, Голландия, Бельгия, Чехословакия, Руминия командаларининг қандай ўйинлар кўрсатганлигини, ҳар томонлама юксак тактикага, маҳоратга эга эканликларини қайта-қайта такрорлаш ортиқча. Шундоқ ҳам бу командалар шаънига айтилган сўнгсиз мақтовлар етиб ортади. Айниқса Африка қитъасининг ягона, кучли командаси камерунликларга таъриф йўқ.

Бизнинг терма командамиз ҳақида ҳам четда, ҳам ўзимизда тинмай ёзишяпти. Азалдан давом этиб келаётган «анъана» таомили шу. Спорт олами, мухлис аҳли олқишига ҳар ким ҳам сазовор бўлолмайди. Шундай экан, бундай ҳақли ва таъналы эътирозларга кўнмасдан илож йўқ. Бундан тўрт йил



ИТАЛИЯ '90

бурун кўкларга кўтариб мақтовлар ёғдирганмиз Валерий Лобановскийнинг «енгилмас» командаси ҳақида энди бошқача ёзишяпти. Аммо шон-шуҳрат ўткинчи, ҳозирдан ҳукм чиқаришга эрта. Лобановский зўр команда тузиб, жаҳонни ҳайратга солувчи ўйинлар кўрсатганида бошимиз осмонга етиб, олқишладик. Энди эса... Насиб этса, июлда бош тренерлик учун ўтказилган конкурс ниҳоясига етади...

Мана ниҳоят чемпионликка даъвогарлик қилаётган энг кучли командалар ҳам аниқланди. Яхшиси, энди ана шу «тенгсиз жанг»да бир-бирлари билан курашадиган командаларни номма-ном келтира қолайлик: **Камерун — Англия, Италия — Ирландия, ГФЖ — Чехословакия, Аргентина — Югославия.** Ҳозирдан фолбинлик қилмоқчи эмасмиз. Қайси команда чемпион бўлишини, қайсилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашини айтиб бўлмайди. Чунки Бразилия, Голландия, Бельгия, Уругвай, руминиялик футболчиларнинг Италиянинг «яшил майдон»ларидан мағлуб бўлиб, бош эгиб чиқиб кетишини туш кўрибмидик?

Мухлисларни чемпионатда энг кўп тўп киритган футболчилар билан ҳам таништирамиз: Томаш Скухрави (Чехословакия) — 5, Мигель Мичел (Испания), Роже Милла (Камерун) — 4, Лотар Маттеус, Руди Фёллер, Юрген Клинсманн (ГФЖ) Сальваторе Скилаччи (Италия) — 3.

Ким чемпион бўларкин-а?..

Ота аскар ўғлини кутмоқда

Мен сизларга бир неча кундан бери зор-зор йиғлаётган кўнгли ярим одамга қўлимиздан келса, баҳоли-қудрат ёрдам берарканмизми, деган умидда ёзаяпман.

Хатимнинг мазмуни бундай: Аҳмад Худойберганов 62 ёшда, биринчи гуруҳ ногирони. Катта қизи Саврихон 1951 йилда, кичиги Ҳадича эса 1956 йилда туғилган. Уларга бошқа фарзанд насиб этмади. Саврихонни узатишгандан кейин 1969 йилда набиралик бўлди. Унга Муҳаммаджон деб исм қўйишди. Аҳмад ака: «Ўғлим йўқ, катта бўлса кунимга ярайди» деган умидда уни ўз тарбиясига олади.

Муҳаммаджон 1971 йилдан то ҳарбий хизматга чақирилгунига қадар бирон кун ҳам ўз ота-онасининг уйида яшамаган. Аҳмад аканинг биргина хатоси набирасини ўз фамилиясига ўтказиб олмагани эди. Тақдир у кишининг бошига аста-секин ташвишли кунларни сола бошлади. «Ғам келса устма-уст келади», деганларидек, 1987 йили Саврихон тўсатдан касаллик туфайли қазо қилди. Муҳаммаджондан ташқари яна 6 та боласи етим қолди. 1989 йили эса хотини Хосият хола ҳам кутилмаганда вафот этди. Ғам-қайғу Аҳмад акани ҳолдан тойдирди. Кўзи кўрмай қолди. Бугунги кунда эса жойидан қўзғалаолмайди. Энди унга қарайдиган, иссиқ-совуғидан хабар оладиган одам керак. Куёви олти боласи билан овора, Хотинининг вафотидан кейин «Болаларим ўгай онанинг қўлида қийналади» деб уйланмади, қайта уйланмади. Отанинг кичик қизи Ҳадича ҳам оилали, беш нафар фарзанди бор. Ўзидан ортмайди.

Маҳалладагилар Аҳмад акага «Муҳаммаджонни ҳарбий хизматдан чақирсак, қандай бўларкан» дея маслаҳат беришди. Тақдирни қарангки, Муҳаммаджон аксига олиб икки йилликка эмас, уч йиллик (денгиз флоти) хизматига тушиб, қолса бўладими. Нима қилса бўлади?

Аҳмад ака ноҳия ҳарбий комиссариатига ариза ёздириб, қўшниларидан бериб юборди. Бечоранинг ўзи ўрнидан туролмаса. Шундан кейин ҳарбий комиссариат у ҳужжат керак, бу ҳужжат керак деб сарсон қилди. Ҳужжат тўплаш бошланди. Охири иш шунга бориб тўхтадики, армиядан фамилияси бошқа бўлгани ва эрга теккан қизи борлиги учун чақириш мумкин эмас экан. Наҳотки, биргина фамилия инсон тақдирини ҳал этса? Муҳаммаджонни 2 ёшлигидан Аҳмад ака тарбиялаганини маҳалла кўй, қолаверса бутун қишлоқ билади-ку.

Май ойида Муҳаммаджон ҳарбий хизматга кетганига 2 йил тўлди. Ҳеч бўлмаса 2 йилликка ўтказиб, унга жавоб бериб юборсин дейишса ҳам ҳарбий комиссариатдагилар «қонунда йўқ» дейишмоқда.

Нима, Аҳмад аканинг набираси — «ўғли»ни 3 йилликдан 2 йилликка ўтказиб, оғир ётган отасига қараш учун илгарироқ жавоб берилса, армиямизга катта зарар етадими ёки аскарлар сони камайиб кетадими?

Ғурумсарой қишлоғида Аҳмад акани билган ҳар бир кишининг (чунки у бир неча йил мобайнида «Тез ёрдам» машинасини бошқариб, барчага таниш бўлиб қолган) унга раҳми келмоқда. Лекин ҳарбий комиссариатдагилар қонунни рўкач қилишяпти.

Аҳмад ака «Наврўз» куни ойнаи жаҳонда хайрия кўрсатувини кўриб, зор-зор йиғлади. Уни кўриб бошқалар ҳам йиғлашди.

Нима қилиш керак? Наҳотки, қаровчисиз қолган отанинг ўғлини армиядан қайтариш шунчалик қийин бўлса?

Мелиқўзи АБДУНАЗАРОВ,
Наманган вилояти, Поп ноҳияси.

ТВ

30 ИЮНЬ — ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ЎЗИНИНГ БУГУНГИ КЎРСАТУВЛАРИНИ ДАВРИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА МУАММОЛАРИДАН БИРИ — ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ «ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК!» МАВЗУСИДА ОРОЛНИ АСРАШ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ.

* * *

19.30 «Ахборот» рус тилида). 20.00 Москва. «Вақт». 22.00 «Ахборот».

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Сиз яратган боғ». 8.35 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 9.05 Жаҳон халқлари ижоди. «Шарқ афсоналари маржони». 9.40 «Бўри териси». Мультфильм. 9.50 Инсон институти. 10.50 «Канада XXI аср бўсағасида». 11.50 «Спектр». 12.20 «Ҳайвонот оламида». 13.20 Н. Губенко фильмлари. «Ялангоёқлар» («Мосфильм»). 14.50 Сиёсий мулоқотлар. «Галерея». 15.40 «Дюймчахон». Мультфильм. 16.10 «Петер Штайн». Ўзгарувчан дунёда режиссёр». 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Ижодкор Ю. Селиверстов». 18.55 1990 йил қўшиқлари. 20.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 20.30 Долзарб интервью. 20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Италиядан олиб кўрсатилади. 23.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 00.10 «Мюзикллар... мюзикллар». 00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Италиядан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон меъморчилиги кунлари

1 июль куни Тошкентда Халқаро меъморлар кунига бағишланган Ўзбекистон меъморчилиги кунлари бошланди. Унинг программасидан жамоатчиликни лойиҳалаш ташкилотларининг иши, замонавий меъморчилик йўналишлари билан таништириш жой олган.

«Ташгипрогор», «Узниипиреставрация», «Средазгипроцелинстрой», «Узгипротяжпром», «Ташниипигенплан» институтлари, Тошкент политехника институтининг меъморчилик факультети келувчилар учун ўз эшикларини кенг очиб қўйди.

Ўзбекистон меъморлар уюшмасида жумҳурият меъморларининг энг яхши лойиҳалари кўргазмаси очилади. Меъморчилик халқаро академияси уюштирган семинар иштирокчилари ишлаган Бухоронинг эски қисмини таъмирлаш лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. — 01313.

Д. — 23492.